

Толаметова З.А.

Қулматов А.А.

ЎзМУ иқтисодиёт факультети доцентлари

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ

Давлатимизнинг миллий мустақиллигини мустахкамлашда, унинг жаҳон миқёсида тутган обрӯ-эътиборини оширишда, дунё тараққиётига улкан хисса қўшган боболаримизнинг, ўтмиш авлодларимизнинг тарихи саҳифаларига назар ташламоқ, таҳлил қилмоқ, ўрганмоқ бугуннинг долзарб мавзуларидан биридир. Тарихни мерос ва миллий қадриятларимизни яхши билмай туриб, миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириб бўлмайди. Қадимий Туркистон диёри серҳосил замини, улкан табиий бойликлари, бебаҳо маданий-маърифий мероси билан дунёга машҳур бўлган.

Бу худудда Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Бобур сингари саркардалар яшаб, халқини, юртини оламга танитганлар.

Бу улуғ бобокалонларимиз орасида она тупроғи, меҳнаткаш халқини жаҳонга машҳур қилган буюк Соҳибқирон Амир Темур сиймоси алоҳида ўрин тутади. Амир Темур аввало құдратли давлат қурған. Давлат құдратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Амир Темур шахсини идрок этиш, тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни улуғлаш-тарих қаърига чуқур илдиз отган томиримизга, маданиятимизга ишончимизни мустақамлаш демакдир»¹.

Амир Темур ва унинг даврини ўрганиш ва бу орқали бугунги Ўзбекистонимиз маънавиятини ва иқтисодиётини янада юксалтиришда аниқ мақсадга йўналтирилган илмий-оммавий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳаётга изчил татбиқ эта

боришда иштирок этиш ҳар бир зиёлининг, мамлакатимизда амалга оширилаетган улкан бунёдкорлик ишларида ўзини камарбаста деб билган ҳар бир инсоннинг виждоний бурчидир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатни бошқариш ва идора қилиш ҳақидаги бундай сиёсий ва иқтисодий қарашлари асрлардан-асрлар оша ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ҳақли равишда эътироф этиш керакки, жаҳоннинг жуда кўп давлатларининг ҳукмдорлари ундан давлатни бошқаришда дастур амал сифатида фойдаланганлар. Соҳибқирон давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этиб, мустақил давлат пойдеворини қурган эди.

XIV аср охири XV асрда Мавороуннахр шаҳарларида ҳунармандчиликнинг етакчи соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Шаҳарлик тўқувчилар турли хилдаги оддий ва қимматбаҳо материалларни тўқиш билан шуғулланар эди.

Бу даврда қимматбаҳо матоларга талаб ортди. Тор доирадаги зодагонлар талабини қондириш мақсадида жуда қимматбаҳо турдаги газламалар чиқарилар эди.

XIV-XV асрларга оид матолар ва тўқувчилар ҳақидаги айrim маълумотлар

¹ И.А.Каримов. Амир Темур фаҳримиз ва ғуруримиз. Ўзбекистон 1998.

шу даврга оид ёзма манбааларда, хусусан қозилик қарорларида, олди-сотди ахдномаларида, вакор ёрлиқларида ва бошқа ҳужжатларда сақланиб қолган. Мавжуд маълумотлар таҳлили газламалар номи, сифати ва безаги, улардан кийим кийган шахсларнинг ижтимоий жиҳатдан қайси табақага мансублиги, Темур даврида тўқимачилик ривожланиш даражасияққол акс эттирилади. Аҳоли зодагон қисмининг байрамона кийими кенг тарқалган баҳмалдан тикилар эди. Шундай матолардан бадавлат хонадонларда кўрпа-кўрпача, чойшаб ва ёстиқ тайёрланган. Баҳмалдан ғилоф ҳам тайёрланган. Самарқандда баҳмалнинг қизил рангли алоҳида тури ишлаб чиқарилган. Қирмиз ҳашоратидан олинадиган рангга бўяб тайёрланадиган бу мато «Баҳмал қирмизи»- номи билан машҳурдир. Қирмиз жуда қимматбаҳо бўёқ ҳисобланган. Иссиқ сув, сирка кислотаси, 150-175 та қанотсиз қирмиз ҳашоратидан 1 грамм қирмизи буёқ олинган. Бундай матони бошқа мамлакатларга ҳам олиб кетилганлиги унинг қимматбаҳолиги ва олий сифатлилигидан далолатdir. Амир Темур даврида қиммабаҳо матолар орасида кимхоб муҳим ўрин тутган. Юқори лавозимли кишиларнинг уй жиҳозлари кимхобдан тикилган. Қимматбаҳо катан матоси ҳам аҳолининг орасида машҳур эди. Самарқанд ҳамда Амир Темур давлатининг бошқа шаҳарлари бозорларида фута деб аталувчи юпқа ва енгил мато ҳам сотилган. Паҳтадан, ипакдан ва жундан тайёрланган турлари бўлган. Эркаклар салла тарзида ўраган мато ҳам, аёллар бошига ўраган узунчоқ рўмол ҳам, тўн устидан белидан боғланадиган белбоғ ҳам фута деб юритилган. Самарқандлик ва Хиротлик мусавиirlарнинг минатюраларида эркаклар кўйлаклари устидан белбоғ боғланган ҳолда тасвиrlанган бўлиб уларнинг учлари зар билан тикилгани яққол кўзга ташланади. Ўша даврда кўпгина газламалар паҳта толасидан, ипак ва жундан тайёрланган. Муайян газмол турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қишлоқлар маълум бўлган. Бундай қишлоқ ҳунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулот

одатда, ўзга мамлакатларда сотиш учун мўлжалланар эди. Темур давлатида яна бир ривожланган ҳунармандчилик турларидан бири кулолчиликдир. Уста кулоллар томонидан яратилган кулолчилик буюмлари ўзининг юқори сифатлилиги ва нафис ишланганлиги билан ажралиб турди. Бу даврда қоғоз ишлаб чиқариш бўйича ҳам ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Бой безаклар билан битилган кўпгина қўлёзмаларнинг ҳошиясига пушти оч феруза, сарғиш, ҳаворанг қоғозлардан кесиб ёпиштирилган. Хатотлик санъати бўйича аллома Султон Али Машҳадий кўз чарчамаслиги учун оқ қоғозга эмас, балки нимтатир ранг берилган қоғозга ёзиши маслаҳат беради. Хол-хол ва тук рангдаги қоғозларга рангли сиёҳ билан хат битилган. Тўқ рангдаги қоғозларда рангли ёзув чиройлидир. Нўхот ранг қоғоз «Мажмуайи Васоиқ» ҳужжатлар тўпламида эслатиб ўтилади. Султон Али Машҳадийнинг сўзларига, қараганда, қоғозга сариқ ранг бериш учун заъфарон ишлатилган.

Амир Темур даврида тарихшунослик соҳасида рўй берган кескин юксалиш натижасида тарихий асарлар, шунингдек насрӣ, шеърий ва аниқ фанлар соҳасида талайгина асарлар юзага келди. Кўплаб буйруқ ва фармойишлар чиқарилиб, давлат ёзишмалари амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида кўплаб ёзув қоғози айниқса олий навли қоғоз талаб қиласарди. Олий навли қоғозни асосан ҳукмдорлар ва уларга яқин амирлар, давлатнинг йирик амалдорлари ишлатишган. Шунинг учун бундай қоғоз «Султон қоғози» номи билан машҳур бўлган.

Темур давлатида булардан ташқари заргарлик, гиламчилик, нақошлик, ганжсозлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа-бошқа турлари юқори суръатлар билан ривожланади. Марказий Осиё ҳунармандчилигига гиламчилик алоҳида ўрин тутган. Анвоий гиламлар Амир Темур саройларини безар эди. Темурнинг юришлардаги муваффақиятлар ва салтанатнинг сиёсий қудрати, лашкари қуроласлача билан қандай таъминланганлигига кўп жиҳатдан боғлик эди. Шунга

боғлиқ ҳолда Темур давлати пойтахтида аслаҳасозлик иши кучли даражада ривожланади. Махсус устахоналарда қилич, шамшир, ханжар ва бошқалар тайёрланар эди. Темур бу соҳага катта аҳамият бериб, қатъий назорат қилиб бораради.

Темур Самарқандни улуғлаш мақсадида Самарқандга бошқа мамлакатлардан келтирилган ҳунармандларни тўплади. Улар эса ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига ўз билим ва маҳоратларини қўшишиб, маҳаллий усталар билан ҳамкорликда шундай ноёб асарларни яратишиди.

Ўтроқ аҳолининг кўчманчи аҳолига нисбатан аввалги йилларга нисбатан яқинрок мулоқот маҳаллий ва мусоифир усталарнинг ҳамкорликдаги қурилган гўзал ва улуғвор иншоотларини бунёд этган мутахассисларнинг ижоди барқ уриши учун асос бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурда маънавият ва миллий ғурур жуда кучли бўлган, у ўз давлатининг иқтисодиётини юксалтириш ва юртини бойлигини кўпайтириш мақсадида бутун ақл заковатини ва иқтидорини ишга солган. «Темур тузукларида» шундай сатрларни ўқиймиз: "... Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда иморатлар қурсинлар; бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар қурсинлар". Шуни таъкидлаш керакки Темур нафақат сиёsatдан балки ўз даврининг етук иқтисодчиси бўлган. У иқтисодни сиёsatдан устун қилиб уни жамиятни ажralmas қисми ва асосий ўзакларидан бири деб қараган. Унинг фикрича, иқтисодиётнинг муҳим таянчларидан бўлган хазина давлат ва жамият ривожининг асосий пойdevоридир. Шунинг учун Амир Темур ҳунармандларга жуда кенг шарт-шароит яратиб қўйган. Умуман олганда Амир Темур даврида ҳунармандчиликнинг ҳудуди чекланмаган.

Шубҳасиз ҳунармандчиликнинг юксалиши кўп жиҳатдан ички ва ташқи савdonинг умумий ҳолатига боғлиқ эди. Шунинг учун Темур ва унинг ворислари мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг кенгайишига

катта аҳамият бердилар. Бу даврда давлат ҳудудлари ва вилоятлари бўйлаб кесиб ўтган барча карvon йўллари қатор катта-кичик карvonсарой ва хонаколар қурдилар. Натижада карvon қатнови жонланиб, ички савдо гавжумлашиди.

Мавороуннахр ва Хуросоннинг марказий шаҳарларида тепаси тик қилиб ёпилган янги бозорларни сони кўпайди. Шаҳарларда ички савдо ривож топиб, шаҳарлар билан дехқончилик соҳалари ва кўчманчи чорвадор кўчманчи дашт аҳолиси ўртасида савдо-сотиқ алоқаси куҷайди. Марказий шаҳарлар мол айирбoshлаш савdosida муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда мамлакат пойтахти Самарқанд шаҳрида савдо ва ҳунармандчиликнинг жуда ҳам ривож топганлиги хорижликларни хайратда қолдирган эди.

Амир Темур давлат иқтисодиётини бошқаришда ички ва ташқи савдога таянбар эди.

Унинг ҳуқмдорлик даврида савдо расталари ва бозорларни, карvon йўлларини, янги карvonсаройлар барпо этиш борасида катта ишлар амалга ошириди. Ихтиослашган бозор расталарида маълум маҳсулот тури билан савдо қилувчилар савдо қилар эдилар. Самарқанд бозорларига хос бу хусусият нафақат ўша давр муалифларининг ҳам хайратига сазовор бўлган.

Шаҳарларда турли усусларда пиширилган гўшт ва товуқлар шунингдек нон ва мевалар сотиладиган майдонлар кўп бўлган.

Бозорларда шаҳар савdosи мужассамлашган бўлиб, бу ерда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ҳам жойлашган эди. Кўпгина дўконлар нафақат маҳсулотни сотадиган жой балки ҳунарманд ўз маҳсулотини шу ерда тайёрлаб, шу ерда сотувга ҳам чиқарадиган жой эди.

Самарқандда Амир Темур буйруғи билан барпо этилган боғларга олиб борувчи йўллар ёқасида жойлашган бозорлар мавжуд бўлиб, уларда дунёning ҳеч қаерида учрамайдиган қовун-тарвузлар ва бошқа моллар билан савдо қилинган.

Бозор шаҳар ҳаётининг маркази бўлган. У шунингдек бадиий адабиёт, турли фан соҳаларидаги ютуқлар билан фикр алмашадиган жой вазифасини бажаридиган жой ҳам бўлган. Бу ерда ҳукмдорлик буйруқларини ўқиб эшиттирадиган, айборлар жазоланган.

Шаҳарларнинг марказий бозорида пул айрибошланадиган саррофхона жойлашган. Бозор маҳсулотларига нарх белгиланадиган жой ҳам эди. Нарх хаддан ташқари кўтарилиб юборилганда уни тартибиға солинган.

Кичик Осиёда бўлган вақтда Амир Темур Франция қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV билан дипломатик ёзишмаларда Ғарб мамлакатлари билан мунтазам савдо алоқаларини ўрнатиш истагини билдириди. Савдогарларни диний мансублигидан қатъий назар савдогарларнинг эркинлигини таъминлаш, икки томон шартларидан бири эди.

Қиролнинг хатларида христиан савдогарларнинг ҳам шахсий, ҳам савдо соҳасидаги саводини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилган.

Амир Темур ҳамкорликсиз истиқбол бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларини амалга оширган. Бир томондан Хитой, Ҳиндистон, Франция, ва Англия, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқа ўрнатилган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятида савдо-иқтисодий муносабатлари халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришган.

Амир Темур ташқи сиёsatда халқаро иқтисодиёт-савдо алоқаларини йўлга қўйиш, ундан барчани, аваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бошфоя бўлиб хизмат қилган. У барпо этган ягона иқтисодий савдо майдонида бугунги кун учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темур давлатининг ички ва ташқи савдо фаолиятида Буюк Ипак йўли муҳим аҳамият касб этган Кент

тармоқлари Буюк Ипак йўли Мавороуннахр шаҳарларини Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Туркия шаҳарлари билан боғлар эди.

Амир Темур буйруғига асосан кўпинча жанубий ғарбий вилоятлардан Самарқандга элтувчи йўлларида то пойтاخت шаҳрига қадар савдо аҳли, элчилар, саёҳатчилар тўхтаб дам оладиган катта карvonсаройлар қурилган.

Бундан ташқари отлар сақланадиган бекатлар қурилган бўлиб, у ерда хориган отларни алмаштириб олиш мумкин. Аҳоли яшайдиган жойлардан анча узоқда жойлашган карvonсаройлар махсус ирригация иншоатлари ёрдамида сув билан таъминланар эди. Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарларининг Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари Буюк Ипак йўлининг анъанавий тармоқлари орқали амалга оширилган. Бу йирик йўл орқали кечганд иқтисодий жараёнга Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Андижон каби савдо ҳунармандчилик марказларигина эмас, балки анча шаҳар ва қишлоқлари жалб этилган эди.

Самарқандда ўтказилган Йиллик ярмаркаларга турли мамлакатлардан Хитой, Ҳиндистон, Тотария ва бошқа мамлакатлардан турли хил мол-ашёлар сотиб келинган.

Мавроуннахрнинг Хитой билан савдо-дипломатик алоқалари кенгайиб борган. Хитой императорининг Темурий ҳукмдорларга совғалари рўйхатида аҳолининг юқори табақаси – эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган моллар хусусан, чинни буюмлар, овқушлари, қоғознинг алоҳида навлари ва бошқалар мавжуд эди.

Икки давлат ўртасида маҳсулот айрбушлашда ҳунармандлар учун зарурий маҳсулот алмашиб катта ўрин тутганки, бу турли ҳудудлар аҳолисининг иқтисодий алоқалари ривожланганлигидан далолат беради.

Пилла қурти боқиши ва ипак мато ишлаб чиқариш кўпгина мамлакатларда ўзлаштирилганлигига қарамасдан, шойи ва ипакдан тикилган кийим-кечак Хитой-иқтисод ва молия / экономика и финансы № 5, 2012

дан Темурийлар давлатига юборилган совғалар рўйхатида ўз аксини топган. Шу билан бирга Маворуннахр усталари турли газламалар хусусан олий нав ипак газламалар тайёрлаган.

Захириддин Мухаммад Бобур Самарқанд карвонлари билан Хитойга борган савдогарларнинг сони, улар савдосининг ҳажми ҳақида ҳам хабар бериб ўтади.

Темур даврида Мавороуннахар ва Ҳиндистон ҳунармандлари ясаган маҳсулотларини айрибошлаш анчагина жонланган эди -Ҳиндистондан қўшиб тўқилган юпка оқ материаллар ишлаб чиқарилган жойига қараб Хайдаробод, Гужарот, Банорас матолари деб аталувчи материаллар ва бўёқлар олиб келинар эди.

Самарқанддан турли мамлакатларнинг маҳсулотлари қаторида чарм ва зиғирдан тайерланган материаллар келтирилар эди. Юқори сифатли чарм Волга орқали Булгордан олиб келинар эди. «Булғори» деб аталган бундай чармдан пояфзал усти, қимматбаҳо эгардар, хуржун, китобнинг безакли ғилофи, эгар-жабдуқ ва ҳоказолар тайёрланган.

Амир Темур Самарқанднинг бутун ҳудудининг ички ва ташқи савдосини бошқариб турувчи марказ сифатида кўришни хоҳлар эди. Самарқанднинг ички ва ташқи савдоси ҳунармандлар, қишлоқ аҳли ўтроқ ва кўчманчи ўртасида товар айрибошлашни мувофиқлашириб турувчи марказ ролини бажарди. У қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни бозор билан боғлаб турди, қишлоқ меҳнаткашларини қўшимча хом-ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга рағбатлантириб, улар хўжалигини иқтисодий имкониятларини кенгайтириди. Бу борада Самарқанд яқинида жойлашган Темур бўйруғи билан бунёд этилган қишлоқлар анча узоқда жойлашган ва натурал хўжалик сақланиб қолган қишлоқлардан тубдан фарқ қиласиди.

Амир Темур ўз давлати иқтисодиётини кенг ривожига ва савдо сотиқقا катта эътибор берди. Ўзга юртларга қилган

юришлардан қайтишида ҳисботлар тузар ва мамлакатнинг молиявий аҳволидан ҳисботлар қабул қиласиди.

Темур давлати ўз даври ва замонасининг энг илғор ва марказий савдо марказларидан бири бўлган.

Амир Темур жаҳондаги 27 мамлакатни босқичма-босқич ўз давлати таркибига киритиб уларнинг иқтисодиётини ва молия тизимини такомиллаштириди. Бу мамлакатларнинг табиий шароити бир хил бўлмаганидек, уларнинг иқтисодий ривожланиши даражалари ҳам, шунингдек турмуш даражаси, машғулоти бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳам бир хил эмас эди.

Амир Темур бу ўлкаларни идора қилиш усуслари ҳақида ўйлар экан, уларнинг ҳар бирида йилига қанча даромад қилиши у қандай усувлар билан тақсимланиши, давлат ихтиёрига тўланадиган тўловлар ва бошқа масалаларни кўз олдига келтириш уларни шариат қонунларида кўрсатилган тавсиялар, аввал ўтган подшохлар тажрибаси билан солиширипар ва маълум хуласаларга келар эди.

Шу муносабат билан Амир Темурнинг ягона мустақил салтанатни шакллантириш стратегиясида молия муаммолари унинг муҳимлиги билан бошқа муаммолардан ажралиб турар эди.

Молия давлат пул ресурсларини марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларни етарли ривожланмагани натура олишдаги давлат ресурсларининг ҳаракати ҳам Темурнинг диққат марказида бўлган.

Амир Темур, аввало, давлат молиясини мўғул ва бошқа босқинларга қарашлиигини узил-кесил тугатди, улкан давлатнинг мустақил давлат молиясини яратди ва мустақил тақсимлаштириб борди, марказлаштирилган давлат таркибиға кирган барча мамлакатлар молиясини бир тизимга бирлаштириди уларни маъмурий бошқарув талаблари асосида идора қилиш усувларини жорий этди.

Құръон талабларини ўзида ифода этган молия саҳифасидаги шариат қонунлари асосида солиқ тизимини шакллантириди, бунда ҳар бир мамлакат ва ахолисининг хусусиятларини эътиборга олиб, қатор имтиёзлар жорий қилди. Давлат хазинаси ресурслари ва маҳаллий улус ҳамда туманлар ихтиёридаги маблағлар таркибиға аниқлик кириди, уларнинг марказ билан молиявий муносабатларни тақсимлаштириди. Европада биринчи бюджет тузилишидан (XVII аср) таҳминан 3 аср аввал мамлакатни идора қилишда бюджетнинг кўрсаткичларини ишлаб чиқди ва жорий қилди.

«Темур тузукларида» ҳар қандай жамият учун иқтисодиёт устиворлиги ифодаланиб, қуйидаги хулоса берилган; «...давлату салтанат уч нарса билан тикдур, мулк, хазина ва лашкардир» доно вазир буларни уччаласини яхши аҳволда саранжом тутади». Бу хулоса кўпроқ хазинага таалуқлидир.

Давлат ихтиёридаги хазина икки фонддан таркиб топган. Биринчиси - асосий хазина бўлиб бунда узоқ йиллар давомида авлоддан авлодга мъерос бўлиб келган дурдоналар сақланар эди. Иккинчи фонд жорий харажатлар учун мўлжалланган эди. Йиллар давомида хазинанинг аҳволи ўзгариб турган, баъзан тақчиллик сезилиб, уни тўлдириш учун қўшимча солиқ ва йиғинлар чиқарилган.

Амир Темурнинг хазинани бошқаришдаги тартиботи шундан иборатки, у хазинадаги биринчи жамғарма фондини сақлаб қолган ҳолда иккинчи фонднинг шаклланиши ва сарфланиши устидан назоратни кучайтириди.

Ҳар иккала фонддаги маблағлар ҳаракати ёзиб бориладиган бўлди. Бундан ташқари, иккинчи фонд харажатларига маблағлар бериш вазир зиммасига юклатилди, ҳар бир вазир ўзига топширилган даромад ва харажатлар устидан назорат олиб борадиган бўлди. Энг муҳими марказий хазина билан улуслар ўртасидаги молиявий муносабатларга аниқлик киритилди. Маҳаллий эҳтиёжлар белгиланган

тартибда маблағ билан таъминланадиган бўлди.

Амир Темур аксарият ҳолларда хазинанинг жорий харажатлар манбаи ҳисобланган иккинчи бўлимга алоҳида эътибор берган. Бу ҳол Амир Темурнинг солиқларнинг демократик хусусиятини яхши чуқур ўрганганлигидан далолат беради.

Амир Темур «Тузуклар»да, - раиятдан мол-хирож йиғиша уларни оғир ахволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушуриб қўйишдан сақланиш керак деб таъкидлаган. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги ўз навбатида, салнатнинг кучсизланишига олиб боради.

Амир Темурдан олдин мўғуллар ва маҳаллий хокимликларда кўплаб солиқ ва йиғимлар мавжуд эди. Масалан, аҳолидан маҳаллий хукумат хазинаси учун мўғуллар қуйидаги солиқларни ундирганлар: 1. Ер ёки даромад солиғи. Олий мансабдорлар бу солиқдан озод қилинган. 2. Купнур-кўчманчи аҳолидан олинган. 3. Тарту-хунарманд ва савдогарлардан олиниб, ишлаб чиқарилган ёки сотилган молнинг 30.1 қисми ҳажмида белгиланган. 4. Туз солиғи. 5. Жон ёки кумуш солиғи. Ахоли турли элчилар тўхтаган жойларда уларга от-улов етказиб берганлар, озиқ-овқат билан таъминланган. Бундан ташқари, мамлакат хунармандлари тугун деб аталган маҳсус тўлов тўлаб турганлар. Шуни таъкидлаш керакки, Амир Темур даврида мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи рол ўйнаган. Миллий даромадларнинг энг кўп қисми шу соҳада яратилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосан ер эгалари бўлган деҳқонлар ва ерга ишлов берувчи ижарачилар амалга оширганлар. Бу даврда асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган икки турдаги: хирож ва ушур солиғи амал қилган. Давлат хазинасига келадиган даромадларнинг аксарияти ана шу солиқларга

асосланган. Бундан ташқари, қишлоқда боғдорчилик ва чорвачилик ривожлангани учун мол-сардараҳт ва мол-ўтлоқ мол-сувлоқ, миробона солиқлари амалда бўлган. Ер солиғи етиштирилган ҳосилга ва ернинг сифатига қараб ҳосилнинг 1/10 (ушр)дан, то 1/3 қисмигача миқдорида олинган. Савдогарлар ва ҳунармандлар тамға ёки закот тўлашган: чегарадан ўтган моллар ҳисобидан ҳам бож олинган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Маҳаллий бошқарув маҳкамалари ихтиёрига жон солиғи-саршумор, уй солиғи-хонашумор фавқулотда солиқлар-авризот олинар эди. Амир Темур фавқулотда солиқларнинг тайланған қисмини бекор қилди.

Амир Темур давлат арбоби даражасига кўтарилигандан кейин солиқларнинг демократик хусусиятини кўзда тутиб, унинг ҳар бир мамлакатда қандай олинганлигини аниқлаш билан жиiddий шуғулланганлиги исботлайдиган далиллар мавжуд. Шулардан бири XVIII асрда яшаб ўтган инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг бир асарида келтирилган тамойилларининг XIV-XV асрларда, яъни III-IV аср олдин башорат қилинганлигидир.

Иккинчи тамойили - аниқлик тамойили. Унга биноан солиқ тўловчига унинг ҳисоблаш усули, тўлаш вақти олдиндан маълум бўлиши керак. Учинчи тамойил - солиқ тўлаш ва тўланган солиқни ундириш аҳолига қулай бўлишидир. Солиқ фуқаролар учун қулай вақт ва усулда ундирилиши керак. Тўртинчи тамойил - солиқлар муттасил такомиллаштириб борилиши солиқ тизимиға ўзгартиришлар киритилиши ва солиқ тўлаш харажатлари муттасил камайиб бориши керак.

Бу тамойиллар «Темур тузуклари»да ўша давр хусусиятларини кўзда тутиб, шакл жиҳатидан бошқача ифодаланган бўлса ҳам лекин мазмун жиҳатидан уларнинг бир-бирига мослигини англаш қийин эмас. «Тузуклар»да солиқ ҳосил пишиб етилганидан кейин олиниши керак. Ҳосил пишиб етилмасдан туриб раиятдан молуҳирож олинмасин.

Маълумки, Амир Темур даврига-ча солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан ундирилар эди. Махмуд Яловичнинг одамлари қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳаракат қилган. Амир Темур солиқ тўловчилар учун маош тайинлади. Мазкур тамойил Адам Смит асарида тежаш тамойили деб аталган. Бу орқали аҳолининг солиқ юки енгиллашди.

Амир Темур солиқларнинг такомиллаштириш борасида ўз вақтида қатор тадбирларни амалга ошириди. Жумладан, янги ерларни ўзлаштирганлар, ташлаб кетилган ерларни тиклаб обод қилганлар солиқлардан озод этилиб, рағбатлантирилар эди. Бундан ташқари Темур ташаббуси билан фавқулотда ва маҳаллий тарздаги солиқларнинг аксарияти дастлабки даврлардаёқ бекор қилинди. Шуни таъкидлаш зарурки, солиқ назариясини дастлаб Ғарбда эмас, Балки Шарқда - Адам Смит эмас, балки Амир Темур яратган.

Темур ўз салтанати таркибига кирган мамлакатлардан олиниши лозим бўлган барча солиқларни марказий девонга тўпламасдан, балки суюргол ва тархон қилиб берилган ерлардан тушадиган солиқларни идора қилишни улусларга, туманларга топшириди ҳамда уларнинг ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобидан бошқа харажатларни таъминлашни жорий қилди. Бу тадбир молия масалаларини идора қилишни осонлаштириди.

Фикримизча Темур давлати молиясини таҳлил этганда марказий ва маҳаллий хазиналарга тушадиган барча тўловлар билан бирга, айрим солиқлар ва солиқсиз даромадлар ҳам эътиборда тутилиши керак. Чорвачиликдан келадиган даромадлар: қўшиб олинган мамлакатлар хазиналарни мусодара қилишдан келадиган даромадлар: олтин ва кумушдан пул сарф қилишдан келадиган даромадлар: нодир металларни қазиб олиш ва уларни сотишдан келадиган даромадлар: бедарак йўқолган шахслардан қолган, вориссиз мол-мулклар, қозилар ва шайхул ислом-

ларнинг ҳукми билан олинган жарималар, совғалар, хазинага тақдим қилинган бошқа даромадлар: ташқи савдони ривожлантиришдан тушган даромадлар.

Шуни айтиш керакки, чорвачилиқдан келадиган даромадлар хазинага тўлиқ миқдорда ўтмасдан, солиқнинг кўп қисми натура тарзида ундирилар, чунки улар ҳисобидан сипохийлар ва сарой хизматчилари озиқ-овқат билан таъминланар эди. Баъзан от, туя ва бошқа ҳайвонлар сипохийлар ҳамда амалдорлар учун улов воситаси сифатида хизмат қиласр эди. Манбаларда 40 қўйдан бир қўй, 120 тадан 200 тагача қўйдан 2, 300 қўйдан 3 қўй олингани ёки бир бош отдан икки динор олингани ҳақида тегишли маълумотлар бор.

Бундан ташқари Темурнинг маҳсус яйловлари бўлиб уларда зотли отлар парвариш қилинган, саройни таъминлайдиган алоҳида чорва хўжаликлари мавжуд бўлган. Табиийки уларнинг минглаб динорга teng эканлигини ҳисобга олиб Амир Темур замонида туташ минтақаларда йирик божхоналар барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизга туташган ерда жойлашган Дарбанд божхонаси иккинчиси ҳам шуном билан аталиб Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шахрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ўтказар эди. Маълумотларга қараганда бу даромадлар Австрия ва Дания давлатларининг йиллик даромадларидан қолишмас эди. Хазинанинг кам тилга олинадиган даромадлари ҳақида сўз борар экан Темур давлати таркибига кирган ва хазинаси мусодара қилинган мамлакатлардан марказий хазинага келиб тушадиган ноёб мол-мулкларни, қазиб олинган нодир металлар олтин, кумуш ёмбилари ва кўплаб бошқа бойликларни ҳам айтиб ўтиш кепрак. Солиқлар тушуми каби улар ҳам рўйхатга олинган Булардан ташқари, хазинага олтин ва кумуш конлари, нодир металлар қазилмаларидан келтириладиган дурдоналарни ҳисобга олиш зарур. Темур замонида унинг салтанатининг 40 га якин

шаҳрида, шу жумладан Самарқандда пул зарб қилиниб бу корхоналар даромадларининг 3-4 қисми хазинага ажратилган. Амир Темур ўзига қарашли мамлакатга аҳолисини барча солиқлардан озод этиш мумкин эди, лекин бу хазина тамойилларига зидлигини яхши биларди. Ёшлиқ даврида Абул Қосим Фирдавсий асарларини чуқур ўрганган Темур мамлакатларни бошқарида солиқларнинг аҳамияти хусусида жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатишда, умуман, давлатни бошқаришда улар муҳим восита эканлиги ҳақида тегишли хуласалар чиқарган. Давлатнинг маҳаллий ва марказий бўғинлари харажатларини маъмурний идора ва саройнинг умумий сарфлари қўйидагилардан иборат бўлган: мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини оширишга қаратилган харажатлар, илм-фан, маданий ва диний тадбирлар билан боғлиқ харажатлар; ижтимоий ҳимоя харажатлари ва бошқа сарфларга ажратиш мумкин.

Темур даврида бюджетнинг дастлабки куртаклари пайдо бўла бошлаган. Гап шундаки илгари даромад ва харажатлар хазинабон дафтарида қайд қилинган бўлса, эндиликда бу вазифа ҳар бир вазирлик бўйича меҳнат тақсимоти асосида амалга оширила бошланди.

Шаклланаётган бюджет куртакларидан бири марказий ва улусларда, туманларда молия назорати ўрнатилиб, қонунбузарларга нисбатан жазо чоралари белгиланишидир. Агар амалдорларнинг ўзлаштириб олган маблағлари маошидан икки баробар ортиқ бўлса, шу ортиғи навбатдаги маошидан ушлаб қолинган, учбаробар кўп бўлса, хаммаси айбордан ундирилган.

Бюджет куртакларидан яна бири маҳаллий хокимиятлар ўз тасарруфидағи муассасалар фаолияти ҳақида керакли маълумот ва ҳисботларни олиб туришидир. Шундай қилиб, Темур салтанатида Европа мамлакатларидан олдинроқ бюджет куртаклари вужудга кела бошлаган молиявий ишларни ташкил қилишда ҳам бир қанча муваффақиятларга эришилган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Амир Темур фаҳримиз ва ғуруримиз. 64 б. Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И.А. Ватан озодлиги олий саодат. Т. Ўзбекистон 1999.
3. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. Асарлар 4 жилд. Т. Ўзбекистон 1996.
4. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т., Ўзбекистон 1996.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон; Миллий истиқлол, сиёsat, мафкура. Нутқлар, мақолалар, сұхбатлар, Т., Ўзбекистон 1993.
7. Берисков Е. Буюк Темур. Т., Шарқ 1996.
8. Низомиддий Шомий. Зафарнома. Т., Ўзбекистон 1996.
9. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., Камалак 1994.
10. Темур тузуклари. Т., F.Фулом 1991.
11. С. Тошкандий. Темурнома. Т., Чўлпон 1990.
12. Б.Ахмедов. Амир Темурни ёд этиб. Т., Ўзбекистон 1996,
13. Б.Ахмедов. Амир Темур ҳақида ҳикоялар. Т., Ёзувчи 1998.
14. Б.Ахмедов. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Т.Қомуслар бош таҳририяти. 1996.